

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**61 Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш борасида қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлик тузилмаларига давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан оширишга доир комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди.

Туман ва шаҳарларда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (бундан буён — «ягона дарча» марказлари) томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ошкоралигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳада амалга оширилган ишларнинг таҳлили тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш, «ягона дарча» марказларини самарали бошқариш, улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда тизимли ёндашувни ҳамда уларнинг бошқа давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва ошкоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда жойларда халқ билан бевосита мулоқотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг «ягона дарча» марказларини туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Банклар ва кредит бюrolари, уларнинг филиал ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш «ягона дарча» марказлари томонидан амалга оширилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

«ягона дарча» марказларининг фаолияти устидан умумий раҳбарликни

амалга ошириш, шу жумладан уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «ягона дарча» марказлари ходимларининг малакасини ошириш;

«ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатишда ваколатли органлар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, уларнинг раҳбарларига аниқланган қонунбузарликлар, бундай ҳолатларга олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

«ягона дарча» марказлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти самарадорлигини, ушбу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини тизимли таҳлил қилиш;

илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, «ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён — Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат хизматлари, шу жумладан «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ошкоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини тизимли таҳлил қилиш;

соҳадаги муаммоларни аниқлаш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалий чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан бундай чора-тадбирларни жойларда халқ билан бевосита мулоқот ўрнатиш орқали кўриш.

4. Республика комиссияси икки ҳафта муддатда:

Республика комиссияси фаолиятининг тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссияларни (бундан буён — ҳудудий комиссиялар) тузсин ва уларнинг фаолиятини ташкил этсин.

Ҳудудий комиссияларга тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари раҳбарлик қилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибида штат бирлик-

лари умумий сони доирасида Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси негизида Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишинча унинг бўлимлари тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Республика комиссияси ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Қўйидагилар:

2017 йилда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жорий этиш жадвали 2-иловага мувофиқ;

2018 — 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2017 йилда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини;

икки ой муддатда 2018 — 2020 йилларда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш жадвалини;

2017 йил 1 сентябрга қадар 2018 — 2020 йилларда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2 ва 3-иловаларда белгиланган, фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этишга доир тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни «Лицензия» ахборот тизимлари комплекси доирасида олиш имкониятини яратиш йўли билан «ягона дарча» марказлари орқали қоғоз шаклида бериладиган махсус бланкалардаги рухсатнома ва лицензияларни мажбурий расмийлаштириш талаби 2018 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2017 йилнинг I чорагида қўйидагиларни таъминлайдиган «Лицензия» ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

«ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолияти

соҳасидаги рухсат берувчи хужжатлар ва лицензиялар (бундан буён — рухсатнома ва лицензиялар) олиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун қулай шаклда рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисида электрон шаклда ариза бериш имкониятини яратган ҳолда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини автоматлаштириш;

тадбиркорлик субъектлари «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича қаерда ва қай тарзда муурожаат қилганидан қатъи назар, рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг бориши ва натижасини кузатиш имконияти;

рухсатнома ва лицензиялар реестрларидан маълумот олиш имконияти.

10. 2-иловада кўрсатилган, «ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатаётган ваколатли органлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини белгиласин ҳамда эскирган ва замон талабларига жавоб бермайдиган хужжатлар ва маълумотларни тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиш тўғрисидаги талабларни бекор қилишга доир тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

белгиланган муддатлардан бошлаб Жадвалга киритилган давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларидан қабул қилиш амалиётини бекор қилсин;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тизимли чора-тадбирлар кўрсин.

11. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи сифатида олинадиган барча маблағлар ҳамда «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва йиғимлар ҳажмининг 10 фоизи миқдоридаги маблағлар «ягона дарча» маркази фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги номига очилган махсус шахсий ҳисоб рақамга ўтказилиши ҳамда келиб тушаётган маблағлар «ягона дарча» марказларини сақлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантиришга йўналтирилиши белгилансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда «ягона дарча» марказларининг давлат мулки бўлган барча бино ва иншоотларини, уларга тегишли асбоб-ускуналар, хужжатлар ва бошқа мулк Қорақалпоғистон Рес-

публикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига белгиланган тартибда текин тақдим этилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 февраль,
ПҚ-2750-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 1 февралдаги
ПҚ-2750-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари
кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш
бўйича республика комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Абдуллаев И.Б. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, комиссия раиси
2. Икрамов М.М. — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири, комиссия раиси ўринбосари
3. Саидова Г.К. — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири
4. Ходжаев Б.А. — Ўзбекистон Республикаси молия вазири
5. Мирзахидов Х.М. — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
6. Азизов А.А. — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
7. Ғаниев Э.М. — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири
8. Ахмедов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири
9. Парпиев Б.Р. — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

10. Тоҳирӣ М.В. — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси
11. Хидоятӣ Д.А. — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
12. Абдусаматов Б.Х. — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси
13. Закиров Б.И. — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси
14. Арабов С.А. — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси раиси
15. Турамуратов И.Б. — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси
16. Гулямӣ Б.В. — «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи
17. Исмаилов В.В. — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи
18. Хаджибаев А.М. — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
19. Вахабов А.Ж. — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
20. Муллажонон Ф.М. — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси
21. Шайхов А.Э. — Савдо-саноат палатаси раиси
22. Саломов Ф.И. — «Ўзбекэнерго» АЖ раиси
23. Шаисматов Э.Р. — «Ўзтрансгаз» АК бош директори
24. Махмудов М.М. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби.

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 1 февралдаги
ПҚ-2750-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2017 йилда фақат тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш
ягона марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жорий этиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Кўрсатиладиган хизмат, бериладиган ҳужжат номи	Ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият	Тадбиркорлик субъектига ҳужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш муддати
1.	Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия	Фармацевтика фаолияти	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев А.М.)	2017 йил 1 июль
2.	Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия	Тиббий фаолият		
3.	Вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситалари рекламасини жойлаштиришга рухсатнома	Вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситалари рекламасини жойлаштириш		
4.	Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучларни жалб қилишга рухсатнома	Хорижий ишчи кучларни жалб қилиш	Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (Назаров У.Б.)	2017 йил 1 июль
5.	Ўз тармоғини яратиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари орқали провайдер хизматлари кўрсатишга лицензия	Ўз тармоғини яратиш ҳуқуқисиз маълумотларни узатиш тармоқлари орқали провайдер хизматларини тақдим этиш	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Мирзахидов Х.М.)	2017 йил 1 июль
6.	Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасида фаолият кўрсатиши ҳуқуқига лицензия	Нодавлат таълим муассасаларида чет тилларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	2017 йил 1 октябрь
7.	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқиш	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Абдусаматов Б.Х.)	2017 йил 1 октябрь
8.	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонларни тутқинликда сақлашга рухсатнома	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонларни тутқинликда сақлаш		
9.	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, ўлжалар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, ўлжалар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқиш		

Т/р	Кўрсатиладиган хизмат, бериладиган ҳужжат номи	Ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият	Тадбиркорлик субъектига ҳужжат берувчи ваколатли орган	Жорий этиш муддати
10.	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар сақланадиган ва урчиладиغان питомникларни, шунингдек зоология коллекцияларини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳнома	Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ҳайвонлар сақланадиган ва урчиладиغان питомникларни, шунингдек зоология коллекцияларини ҳисобга қўйиш		
11.	Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган корхоналар томонидан товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш бўйича хулоса	Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товарларни қайта ишлашга рухсат олиш		
12.	Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган корхоналар томонидан товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш бўйича ва товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишланишининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мос келиши бўйича хулоса	Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашга рухсат олиш	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Фаниев Э.М.)	2017 йил 1 октябрь
13.	Импорт контракти бўйича хулоса	ТИАИСВда экспертгадан ўтказиладиган контрактлар асосида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилиш		
14.	Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия	Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Закиров Б.И.)	2017 йил 1 октябрь
15.	Экспорт шартномасини рўйхатдан ўтказиш сертификати	ТИАИСВда рўйхатдан ўтказиладиган контрактлар асосида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Фаниев Э.М.)	2017 йил 31 декабрь
16.	Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш учун рухсатнома	Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш		
17.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларининг паспорти	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини эксплуатация қилиш	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ахмедов Б.М.)	2017 йил 31 декабрь
18.	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси	Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга оид фаолиятни амалга ошириш	Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги (Сабиров Б.Б.)	2017 йил 31 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 1 февралдаги
ПҚ–2750-сон қарорига
3-ИЛОВА

61-модда

**2018 — 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, фақат тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча»
тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Жорий қилиш муддати	Масъул органлар
I. Рухсат бериш тартиб-таомиллари				
1.	1.	Сув ресурсларидан фойдаланиш ва дренаж-оқова сувларини оқизиб юбориш билан боғлиқ янги корхоналар қуриш ва фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш лойиҳасини келишиш	2019 й.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Вахабов А.Ж.)
2.	2.	Асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш учун давлат ўрмон фондидан участкалар ажратишга рухсатнома	2020 й.	
3.	3.	Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома	2019 й.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Вахабов А.Ж.), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев А.М.), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Турамуратов И.Б.), «Саноатгеокон- техназорат» ДИ (Гулямов Б.В.)
4.	4.	Йўллар, йўл иншоотлари, темир йўл ўтказгичлари, йўллар ва кўчалар бўйлаб жойлашган сервис шохобчалари, АЁҚШ, АГТҚС ва АГҚС, бино ва иншоотлар қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда транспорт воситалари конструкциялари лойиҳаларини келишиш	2019 й.	Ички ишлар вазирлиги (Азизов А.А.)
5.	5.	Паст ва ўрта фаолликдаги радиоактив чиқиндилардан ташқари оғир вазнли, йирик габаритли ёки хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш йўналиши схемаларини келишиш	2020 й.	
6.	6.	Бино ва иншоотларни, сув таъминоти, канализация ва оқова сувларни тозалаш тизимларини, гидротехника иншоотларини, бошқа объектларни санитария нормалари, қоидалари ва гигиена меъёрларига риоя этган ҳолда лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилишни келишиш	2018 й.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев А.М.)

— 14 —

5 (765)-сон

Т/р	Т/р	Бериладиган ҳужжат, қўрсатиладиган хизмат номи	Жорий қилиш муддати	Масъул органлар
7.	7.	Махсус қўлланиладиган биологик актив моддаларни четдан келтириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома	2018 й.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев А.М.)
8.	8.	Янги озучавий қўшимчаларни четдан келтириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома	2019 й.	
9.	9.	Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика маҳсулотларини четдан келтириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома	2019 й.	
10.	10.	Дори воситаси ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома	2019 й.	
11.	11.	Тургун савдо шохобчаси санитар талабларга мувофиқлиги тўғрисида санитария хулосаси	2020 й.	Давлат архитектура қўмитаси (Закиров Б.И.)
12.	12.	Лойиҳавий ҳужжатларнинг меъморий-режалаштириш топшириғига мувофиқлиги нуқтаи назаридан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги меъморий-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш	2018 й.	
13.	13.	Меъморий-режалаштириш топшириғи	2019 й.	
14.	14.	Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари объектларини қуриш учун ер участкаларини ажратишни келишиш	2020 й.	Давлат архитектура қўмитаси (Закиров Б.И.), Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (Исмаилов В.В.), ИИВ (Азизов А.А.)
15.	15.	Озонни бузувчи моддалар ва таркибида озонни бузувчи моддалар бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома	2018 й.	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Абдусаматов Б.Х.)
16.	16.	Ёввойи ҳайвонларни овлашга рухсатнома	2018 й.	
17.	17.	Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, трофейлар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома	2018 й.	
18.	18.	Ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома	2018 й.	
19.	19.	Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзор ва бутазорларни кесишни келишиш	2018 й.	
20.	20.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажрибавий қўллашга рухсатномани келишиш	2019 й.	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Абдусаматов Б.Х.), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев А.М.)

Т/р	Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Жорий қилиш муддати	Масъул органлар
21.	21.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдиндан розилик	2018 й.	Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Хидоятлов Д.А.)
22.	22.	Қонунчиликда белгиланган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олишга олдиндан розилик	2018 й.	
23.	23.	Товарни вақтинча олиб кириш (олиб чиқишга) рухсатнома	2018 й.	Давлат божхона қўмитаси (Тохирий М.В.) Давлат божхона қўмитаси (Тохирий М.В.)
24.	24.	Товарни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома	2018 й.	
25.	25.	Товарни реимпорт божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома	2018 й.	
26.	26.	Божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома	2018 й.	
27.	27.	Давлат фойдасига воз кечиш учун товарни божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома	2019 й.	Давлат божхона қўмитаси (Тохирий М.В.)
28.	28.	Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома	2019 й.	
29.	29.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарни божхона ҳудудида ёки ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга рухсатнома	2019 й.	
30.	30.	Божхона омборини таъсис этиш	2019 й.	
31.	31.	Божсиз савдо дўконини таъсис этиш	2019 й.	
32.	32.	«Эркин омборхона» божхона режимда омборхона таъсис этиш	2019 й.	
33.	33.	Бош агентни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома	2019 й.	
34.	34.	Юридик шахслар — резидентлар томонидан чет элда ҳисоб рақамларини очишга рухсатнома	2020 й.	Марказий банк (Муллажонов Ф.М.)
35.	35.	Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	2019 й.	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Юнусов А.Х.)
36.	36.	Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома	2019 й.	Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси (Ризаев Д.Х.)
37.	37.	Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирларини келишиш	2019 й.	
38.	38.	Суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш	2019 й.	
39.	39.	Суғурта захираларини чет эл давлатлари давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш	2020 й.	

Т/р	Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Жорий қилиш муддати	Масъул органлар
40.	40.	«Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси назорати остидаги объектларда электр қурилмаларни созлаш ишларини бажаришга рухсатнома	2020 й.	«Саноатгеоконтехназорат» ДИ (Гулямов Б.В.)
41.	41.	Ускуналар, қувурлар, цистерна ва бошқа сизимларни кимёвий ҳимоя қилиш ишларини бажаришга рухсатнома	2020 й.	«Саноатгеоконтехназорат» ДИ (Гулямов Б.В.)
42.	42.	Локомотивлар, юк ва изотермик вагонларнинг хизмат қилиш муддатларини узайтиришга техник ечимлардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни келишиш	2020 й.	«Ўздавтемирйўлназорат» ДИ (Ахмедов Д.Б.), «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (Дехканов Д.Т.)
43.	43.	Ер участкаси танлаш тўғрисидаги хулоса	2018 й.	«Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК, «Тошкентбошплан ЛИТИ» ДУК, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ
44.	44.	Саноат хавфсизлиги бўйича экспертиза хулосаси	2019 й.	Аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари
45.	45.	Объектнинг ёнғинга қарши хавфсизлиги ва сейсмик барқарорлиги тўғрисида давлат экспертизаси хулосаси	2019 й.	Давлат экспертиза органлари
46.	46.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун белгиланган энг кам миқдорга мувофиқ яратилган (захира қилиб қўйилган ёки ажратилган) иш ўринларини қисқартириш ёки тугатиш тўғрисида қарор	2018 й.	Туман (шаҳар) ҳокимликлари
47.	47.	Мол сўйишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси	2018 й.	
48.	48.	Ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари)	2018 й.	
49.	49.	Муҳандислик коммуникацияларига уланиш учун техник шарт	2018 й.	Фойдаланиш ташкилотлари
II. Лицензияланадиган фаолият турлари				
50.	1.	«Ўзбекизоқовқатзахира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари томонидан амалга ошириладиган истеъмол товарлари улгуржи савдоси	2018 й.	Адлия вазирлиги (Икрамов М.М.)
51.	2.	Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти	2019 й.	Молия вазирлиги (Ходжаев Б.А.)
52.	3.	Аудиторлик фаолияти	2019 й.	
53.	4.	Лотереялар ташкил этиш	2019 й.	
54.	5.	Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш	2018 й.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Мирзахидов Х.М.)
55.	6.	Телекоммуникациялар тармоқларини қуриш	2018 й.	
56.	7.	Телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш	2018 й.	

Т/р	Т/р	Бериладиган ҳужжат, кўрсатиладиган хизмат номи	Жорий қилиш муддати	Масъул органлар
57.	8.	Телекоммуникациялар тармоқларига хизматлар кўрсатиш	2018 й.	
58.	9.	Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш	2019 й.	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Закиров Б.И.)
59.	10.	Баҳолаш фаолияти	2019 й.	Давлат рақобат қўмитаси (Хидоятлов Д.А.)
60.	11.	Биржа фаолияти (валюта биржаси фаолиятдан ташқари)	2019 й.	
61.	12.	Риэлторлик фаолияти	2019 й.	
62.	13.	Туризм фаолияти	2020 й.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Шарапов А.К.)
63.	14.	Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни кўпайтириш, сотиш, ижарага бериш	2020 й.	Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (Файзуллаев А.Н.)
64.	15.	Фонограммаларни тайёрлаш	2020 й.	
65.	16.	Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш	2020 й.	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (Исмаилов В.В.)
66.	17.	Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шуғулланиш	2019 й.	Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш маркази (Шакиров Б.А.)
67.	18.	Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш	2020 й.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
68.	19.	Улгуржи савдо, «Ўзбекизоқовқатзахира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари фаолияти бундан мустасно	2020 й.	Туман (шаҳар) ҳокимликлари